



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 26 » fevral

№ 108

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ–4884-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, умумий ўрта таълим тизимида фанларни ўқитиш методикалари, узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тартиби ва ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, таълим жараёнига замонавий таълим технологияларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти, таянч ва вариатив ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш;

Халқ таълими вазирлиги буюртмасига асосан тузувчиларни танлаш ҳамда дарсликлар ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларнинг ягона макетларини яратиш;

яратилган дарсликлар ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни экспертизадан ўтказиш, уларни таълим тизимида қўллаш бўйича хулоса бериш;

ўқув режаси, дастурлари, яратилган дарсликлар ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни тажриба-синовдан ўтказиш ишларига раҳбарлик қилиш;

фанларни ўқитиш методикаси ва ўқувчилар билимларини баҳолашнинг замонавий услубларини ишлаб чиқиш, шунингдек, таълим дастурларининг интеграциялашувига асосланган ўқитишнинг фанлараро ёндашувини жорий қилиш ва бу борадаги ижобий тажрибани умумий ўрта таълим муассасаларида оммалаштириш;

умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган фанларни, айниқса, биринчи босқичда математика, информатика, кимё, биология ва ўзбек тили (она тили ва давлат тили сифатида) фанлари учун ўқув-методик

таъминотни яхшилаш ҳамда дарсликларнинг сифатли тайёрланишини таъминлаш;

Ўқув-тарбия жараёнига “**STEAM**” фанларини (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – санъат, Mathematics – математика) ўқитиш бўйича илғор педагогик технологиялар ва бошқа мақбул методикаларни жорий этиш;

Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган баҳолаш мезонлари (**KPI**) асосида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари фан методистлари фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва уларнинг рейтингини шакллантириш.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

**2021 йил 1 апрелдан** бошлаб Марказ директорининг меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра базавий лавозим маош миқдорлари олий таълим муассасаси ректорига, директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари – олий таълим муассасаси проректорига, таркибий бўлинмалар бошлиқлари – олий таълим муассасасининг факультет деканига, методистларининг иш ҳақи миқдори – олий тоифали ўқитувчининг базавий тариф ставкаси миқдorigа тенглаштирилади;

Марказ таълим сифатини ошириш мақсадида қўшимча равишда ишга жалб қилиш бўйича юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, хорижий экспертлар ва хорижда яшайдиган ватандошлар билан фуқаролик-хуқуқий шартномалар имзолаши мумкин;

умумий ўрта таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни яратиш, экспертизадан ўтказиш ва тақриз бериш ҳамда экспертлар ва тақризчиларга ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси бюджет ва айланма маблағлари ҳисобидан Республика таълим маркази учун очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварақлари орқали молиялаштирилади.

## 3. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шу жумладан, давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар;

республика илмий-тадқиқот лойиҳа грантлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳуқуқат молия ташкилотларининг грантлари;

шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

## 4. Марказга шартнома асосида қуйидаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи берилсин:

халқаро таълим платформаларида мавжуд бўлган электрон ресурсларни, шу жумладан, умумий ўрта таълим муассасаларининг педагог кадрлари учун ўқув-методик ресурслар, мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган видеодарслар, таълим билан боғлиқ ўйинлар ва бошқа маҳсулотларни маҳаллийлаштириш йўналишида бепул ва пулли хизматлар кўрсатиш;

нодавлат умумий ўрта таълим муассасалари томонидан тавсия этилган ўқув режаси ва дастурлари, дарсликлар ҳамда ўқув-методик ресурсларни амалиётда қўллаш юзасидан илмий хулосалар бериш.

#### 5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

бир ой муддатда Марказнинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, унинг Низоми, тузилмасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

икки ой муддатда Марказ ходимларининг таркибини танқидий кўриб чиқиб, Марказга юқори малакали ва илмий салоҳиятли кадрларни жалб қилсин, бунда беш йилдан кам бўлмаган педагогик ёки таълим соҳасидаги бошқарув органларида иш стажига эга бўлган мутахассисларни ишга қабул қилиш амалиётини йўлга қўйсин;

умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастури, дарслик ва ўқув-методик мажмуалар, ўқитиш методикаси ва баҳолаш, замонавий таълим муҳитини татбиқ қилиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларидан бирининг (кейинги ўринларда – таянч мактаб) Марказга бириктирилишини таъминласин;

таянч мактабда STEAM таълими лабораториясини ташкил этсин ва унда илғор хорижий давлатларнинг таълим технологияларини синовдан ўтказиш амалиётини йўлга қўйсин;

Тошкент шаҳрининг, Яккасарой туманидаги, Бобур кўчаси 9-уй манзилида жойлашган ўзига тегишли бинонинг моддий-техник ҳолатини давлат-хусусий шериклик асосида тубдан яхшилаш ва унга Марказни жойлаштириш чораларини кўрсин.

#### 6. Қуйидагилар:

**Умумий ўрта таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш учун тузувчиларни танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказиш, уларга тақриз бериш ҳамда экспертлар ва тақризчиларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

#### 7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика ўқув-методика марказини белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Таълим марказига айлантисин:

Қорақалпоғистон Республикаси Таълим марказининг директори, директор ўринбосари ва методистларининг ойлик иш ҳақлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази методистларининг ойлик иш ҳақиға тенглаштириб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштиришни 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

**Умумий ўрта таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик  
мажмуаларни ишлаб чиқиш учун тузувчиларни танлаб олиш  
ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом умумий ўрта таълим муассасалари, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг (кейинги ўринларда – умумий ўрта таълим муассасалари) барча синфлари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш учун тузувчиларни танлаб олиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**дарслик** – давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув дастури асосида дидактик, методик, педагогик-психологик, эстетик ва гигиеник талабларга жавоб берадиган, ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган ва асослари мукамал ўзлаштирилишига қаратилган, ўқув фанининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган, назарий маълумотлардан ташқари амалий тажриба ва синов машқларини қамраб олган китоб шаклидаги ўқув нашри;

**танлов комиссияси** – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – Халқ таълими вазирлиги) томонидан тасдиқланадиган, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни яратадиган тузувчилар гуруҳини аниқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи ишчи орган;

**тузувчи (тузувчилар гуруҳи)** – ижодий меҳнати билан асар яратадиган жисмоний шахс ёки жисмоний шахслар гуруҳи;

**ўқув-методик мажмуа** – машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мультимедиали иловасидан иборат мажмуа;

**экспертлар гуруҳи** – Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ҳузурида ташкил этиладиган турли фан йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни баҳоловчи экспертлардан (мутахассислардан) иборат гуруҳ.

3. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш учун тузувчилар таркиби танлов асосида шакллантирилади.

4. Қуйидагилар тузувчилар таркибини танлов асосида шакллантиришнинг мақсади ҳисобланади:

ўқувчиларни такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари асосида яратилган дарслик ва ўқув-методик-мажмуалар билан таъминлаш;

Халқ таълими вазирлигининг буюртмаси асосида дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш тизимида рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, унинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш;

дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш учун юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, ёш истеъдодли тузувчилар ва тузувчилар жамоаларини қўллаб-қувватлаш.

5. Танловда таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни яратиш тажрибасига эга бўлган жисмоний шахслар ва юридик шахслар, шу жумладан, давлат ташкилотлари ҳамда ижодий жамоалар қатнашиши мумкин.

6. Марказ такомиллаштирилган миллий ўқув дастурларининг босқичма-босқич жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда, танлов асосида яратиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар рўйхатини шакллантиради ҳамда Халқ таълими вазирлигига тасдиқлаш учун киритади.

7. Халқ таълими вазирлиги тузувчилар таркибини танлаб олиш асосида ишлаб чиқиш учун зарур бўлган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар рўйхатини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

## **2-боб. Танловни ўтказишга тайёргарлик кўриш**

8. Тузувчилар Марказ ҳузурида тузиладиган танлов комиссияси томонидан танлаб олинади.

Танлов комиссияси аъзоларининг сони (камида 9 киши) тоқ бўлган таркибда тузилади, унинг шахсий таркиби Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Танлов комиссияси таркибига қуйидагилар киритилади:

Халқ таълими вазирлигининг вакиллари;

илмий-педагогик жамоатчилик вакиллари;

етакчи амалиётчи ўқитувчилар, методик кабинетлар мутахассислари, ота-оналар қўмитаси аъзолари.

Халқ таълими вазири ёки унинг ўринбосарларидан бири танлов комиссияси раиси ҳисобланади.

9. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш учун тузувчилар таркибини танлов асосида шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

10. Танлов асосида яратиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар рўйхати Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқлангач, танлов комиссияси оммавий ахборот воситаларида танлов ўтказилиши тўғрисида эълон беради.

Эълон буюртмаларни қабул қилиш муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин берилади.

11. Эълонда қуйидагилар назарда тутилади:

талабгорларнинг аризаси шакли;

талабгорларнинг шахсий варақаси (анкетаси) шакли;

умумтаълим фанлари бўйича замонавий дарсликларни яратишга қўйиладиган методологик, дидактик-методик ва эргономик талаблар;

ўқув-методик ва дидактик адабиётлар режа-лойиҳалари ҳамда битта бобнинг синов матни;

танлов таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати;

танловни ўтказиш ва шартнома тузиш тартибининг тавсифи ва муддати;

танлов тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун манзил ва алоқа телефонлари.

Талабгорларнинг аризаси ва анкетаси шакллари Марказ томонидан тасдиқланади.

12. Талабгорлар томонидан танловда иштирок этиш учун Марказга ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

талабгорларнинг шахсий варақаси (анкетаси);

дарслик ва ўқув-методик мажмуанинг макети;

дарслик ва ўқув-методик мажмуанинг электрон нусхаси (конвертга муҳрланган ҳолда) жойланган CD-диск;

юридик шахс ёки муаллифлар жамоаси номидан танловда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ишончнома (агар танловда юридик шахс ёки муаллифлар жамоаси вакили иштирок этса).

13. Талабгорларнинг танлов таклифлари муҳрланган ҳолда қабул қилинади. Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди ва конвертлар очилмаган ҳолда талабгорларга қайтарилади.

Талабгорларнинг томонидан танлов таклифларининг тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилиши ҳам таклифларнинг кўриб чиқилмаслиги учун асос бўлади.

Талабгорлар танлов таклифларини тақдим этиш муддати тугагандан сўнг ўз таклифларига ўзгартириш киритиши ёки қайтариб олишига йўл қўйилмайди.

14. Буюртмачининг раҳбарлари, танлов комиссияси ва эксперт гуруҳларининг аъзолари танловда иштирок этиши мумкин эмас.

### **3-боб. Танлов орқали танлаб олиш шартлари**

15. Танлов таклифларини тақдим этиш муддати тугагандан кейин танлов комиссияси уч кун ичида танлов иштирокчилари гувоҳлигида танлов таклифлари жойланган конвертларни очади.

16. Конвертлар очилгандан сўнг танлов комиссияси томонидан баённома тузилади ҳамда унда қуйидагилар тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади:

келиб тушган таклифларнинг сони;

иштирокчилар ва уларга бириктирилган код рақамлари;

танловга киритилмаган талабгорлар рўйхати ва уларнинг таклифлари рад этилишининг аниқ сабаблари.

17. Танлов комиссияси томонидан илмий ва педагогик жамоатчилик, олимлар, амалиётчи ўқитувчилар, методистлар ва талаб этиладиган ихтисосликнинг бошқа мутахассисларидан иборат таркибда тегишли фанлар бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб қилинадиган эксперт гуруҳи тузилади.

Эксперт гуруҳи таркибига дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг илмий, услубий, педагогик, психологик жиҳатларини танқидий кўриб чиқиб, экспертизадан ўтказиш ва асосланган хулоса бериш салоҳиятига ва тажрибасига эга бўлган муайян соҳа мутахассислари киритилади.

Эксперт гуруҳи аъзоларининг таркиби ошкор қилинмайди.

Эксперт гуруҳи тузувчиларнинг тақдим этилган таклифларини уларнинг код рақамлари бўйича ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда экспертизадан ўтказди ва асосланган хулосаларини танлов комиссиясига киритади.

Экспертиза жараёнида дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар қуйидагилар юзасидан ўрганилади:

– дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг давлат таълим стандартларига, ўқув дастурига ҳамда ундаги мавзуларнинг ўқув режасидаги дарс соатларига мувофиқлиги;

– мавзулар, савол ва топшириқларнинг кетма-кетлиги ва узвийлиги таъминланганлиги;

– мавзуларни ёритишда материалларнинг илмий жиҳатдан тўғри берилганлиги;

– дарсликларнинг ўқувчилар ёшига ва билим даражасига мослиги;

– тил услуби, дарсликлар материалларининг имло (орфографик) ва услубий жиҳатдан мукамаллиги;

– матн ва иллюстрацияларнинг ўзаро уйғунлиги;

– дарсликлар материалларининг амалиёт, ҳаётда юз бераётган ҳодисалар, воқеалар ва касбга йўналтириш билан боғлиқлиги;

– дарсликлар мавзуларини ўзлаштириш учун машқлар, топшириқлар ва амалий машғулотларнинг етарлилиги ҳамда уларнинг педагогик технологиялар асосида тузилганлиги.

18. Танлов комиссияси эксперт гуруҳларининг хулосалари асосида ғолибларни танлаб олиш учун тақдимномаларни ўн кун муддатда Халқ таълими вазирлигига юборади.

Танлов ғолиблари тўғрисидаги қарор Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдимномалар келиб тушгандан сўнг ўн кун муддатда қабул қилинади.



Танлов комиссияси танлов натижалари тўғрисидаги ахборотни танлов голиблари аниқлангандан сўнг уч кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

19. Танловда иштирок этиш учун ариза берган талабгорлар сони учтадан кам бўлганда танлов ўтказилмайди. Бунда танлов комиссияси такрорий танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

20. Танлов натижаларига кўра тузувчилар гуруҳи шакллангандан сўнг уларнинг таркибига шартнома асосида олимлар, методистлар ва тажрибали амалиётчи ўқитувчилар жалб қилиниши мумкин.

21. Тузувчиларнинг дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни яратиш бўйича фаолияти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказ билан тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**


22. Марказ дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни яратиш жараёнларининг тизимли равишда назорат қилинишини таъминлайди.

23. Тузувчилар ёки тузувчилар гуруҳи дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни сифатли ва белгиланган муддатда тайёрлаш учун жавобгар ҳисобланади.

24. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Умумий ўрта таълим муассасалари учун  
дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни  
ишлаб чиқиш учун тузувчиларни танлаб олиш  
ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш учун  
тузувчиларни танлаб олиш ва тасдиқлаш  
СХЕМАСИ**



**Умумий ўрта таълим муассасаларининг  
умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик  
мажмуаларини экспертизадан ўтказиш, уларга тақриз бериш ҳамда  
экспертлар ва тақризчиларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом умумий ўрта таълим муассасаларининг умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларини (кейинги ўринларда – дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар) экспертизадан ўтказиш, уларга тақриз бериш ҳамда экспертлар ва тақризчиларга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказиш ва уларга тақриз бериш ҳамда экспертлар ва тақризчиларга ҳақ тўлаш иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг сифатини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида уларнинг мазмуни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларига, илм-фан ютуқларига мослигини, шунингдек, таълимнинг тегишли босқичи учун ўқув фанининг изчиллиги таъминланганлигини баҳолаш экспертизадан ўтказиш ва тақриз беришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**дастлабки экспертиза** – дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг оригинал макетини дастлабки текширувдан ўтказиш;

**қайта ишланган ва тўлдирилган нашр** – Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари асосида дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг мазмуни 10 фоиздан 50 фоизгача қайта ишланган ва такомиллаштирилган нашр;

**қайта нашр** – Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари асосида дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг мазмуни 10 фоизгача қайта ишланган нашр;

**тақриз бериш** – дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг илмий, услубий, педагогик, психологик жиҳатларини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш, баҳолаш, асосланган хулоса бериш;

**тақризчи** – дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг илмий, услубий, педагогик, психологик жиҳатларини танқидий нуқтаи-назардан кўриб чиқиб, баҳоловчи ва шу асосда фикр-мулоҳаза ва асосланган хулоса берувчи муайян соҳа мутахассиси;

**экспертлар гуруҳи** – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг (кейинги ўринларда – Халқ таълими вазирлиги) Республика таълим маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ҳузурида ташкил этиладиган

турли фан йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни баҳоловчи экспертлардан (мутахассислардан) иборат гуруҳ;

**якуний экспертиза** – дастлабки экспертиза хулосалари асосида қайта ишланган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни чоп этишга рухсат берилиши олдидан якуний текширувдан ўтказиш;

**янги нашр** – Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари асосида дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг мазмунига киритилган ўзгартиришлар 50 фоиз ва ундан юқори бўлган ва янгидан яратилган нашр.

4. Марказ экспертизадан ўтказиш ва тақриз бериш жараёнини ташкил этиш учун экспертлар гуруҳи ва тақризчиларга зарур шарт-шароитлар яратиб беради.

## **2-боб. Экспертлар ва тақризчиларга қўйиладиган талаблар**

5. Экспертизадан ўтказиш ва тақриз бериш жараёнига қуйидаги талаблардан камида биттасига жавоб берувчи, хусусан:

– олий маълумот ва педагогика соҳасида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган;

– илмий даражага (унвонга) эга бўлган;

– таълим соҳасида ютуқларга эришган;

– фан йўналишлари бўйича республика кўрик танловларида совринли ўринни эгаллаган мутахассислар жалб этилади.

6. Ҳар бир ўқув фани йўналишида етакчи олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган илмий салоҳиятли соҳа мутахассислари, олимлар, тадқиқотчилардан – 2 нафар, умумий ўрта таълим мактабларида дарс бераётган ўқитувчи ва педагоглардан – 2 нафар, касб-хунар таълими тизимида фаолият олиб бораётган педагог ва ўқитувчилардан – 1 нафар, шунингдек, лозим бўлганда бошқа ташкилотлардан қўшимча мутахассислар эксперт сифатида жалб этилади.

7. Имконияти чекланган болалар учун махсус ўқув қўлланмаларини экспертизадан ўтказишга дефектологлар ва тегишли таълим муассасалари мутахассислари жалб этилади.

8. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларга тақриз беришда тегишли фан йўналишида фаолият олиб бораётган илмий соҳа мутахассислари, олимлар ёки тадқиқотчилардан камида бир киши жалб этилади.

9. Экспертизадан ўтказиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар тузувчиларининг экспертлар гуруҳи таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

## **3-боб. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказиш ва тақриз бериш**

10. Қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар экспертизадан ўтказилмайди.

11. Марказ экспертизадан ўтказиладиган ва тақриз бериладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертлар гуруҳига ва тақризчиларга расмий хат билан топширади ҳамда унда дарсликлар (ўқув-методик мажмуалар) номи, синфи, махсус код (тузувчи ва нашриётнинг махфийлаштирилган рақами) ва нашр тили (ўзбек, рус, қорақалпоқ ва бошқа тиллар) кўрсатилади.

12. Марказ хатига қуйидагилар илова қилинади:

дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг босма (уч нусхада) ва электрон нусхалари;

умумтаълим фанлари бўйича замонавий дарсликларни яратишга қўйиладиган методологик, дидактик-методик ва эргономик талаблар, шунингдек, Миллий ўқув дастури (уч нусхада).

13. Экспертиза икки босқичда амалга оширилади: дастлабки экспертиза ва якуний экспертиза.

14. Экспертлар дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни дастлабки экспертизадан ўтказиш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

дарсликларнинг давлат таълим стандарти ва узвийлаштирилган ўқув дастурларига ҳамда ўқув режасида белгиланган дарс соатларига мос келишига;

уларнинг илмий, педагогик ва методик жиҳатдан пухта ишланганлигига;

дарсликнинг мазмунидаги хатоликларга;

ўқув материалнинг босқичли кетма-кетлик тамойилида ёритилганлигига;

мавзуларни ёритишда узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланганлигига;

тарихий манбалар, саналар ва рақамларнинг тўғрилигига;

дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг тили, ифода услубига;

матбаа сифати ва дизайннинг амалдаги талабларга мос келиши ва замонавийлигига;

дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар мазмунига жамиятимизда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, миллий қадриятлар, миллий ғоя, маҳаллий материалларнинг сингдирилганлигига;

дарсликда берилган материалларнинг имловий, луғавий (орфографик, стилистик хатоликлар) ва услубий жиҳатдан саводхонлик ҳамда матнларнинг мураккаблик даражасига.

15. Экспертлар гуруҳи ўз ваколати доирасида дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни дастлабки экспертизадан ўтказиши ҳамда асосланган хулосалар, тавсиялар ва таклифларни Марказга тақдим этади.

Экспертлар гуруҳи аъзоларининг ҳар бири алоҳида хулоса беради ҳамда умумлаштирилган хулоса тақдим этади.

Зарурат бўлганда, эксперт томонидан қўшимча маълумотлар берилади.

16. Фанлар йўналишидаги синфлар кесимида ҳар бир дарсликни дастлабки экспертизадан ўтказиш учун ўн беш иш куни берилади.

17. Экспертизадан ўтказилаётган ва тақриз берилаётган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар Халқ таълими вазирлиги томонидан [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz) веб-сайтидаги ахборот таълим порталига жойлаштирилади ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, бир ой давомида таклиф ва фикр-мулоҳазалар тўпланади.

18. Экспертлар гуруҳи дастлабки экспертиза бўйича хулосаларни тайёрлашда [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz) веб-сайтидаги ҳамда бевосита жамоатчилик томонидан дарсликларнинг сифати бўйича билдирилган асосли фикр-мулоҳазалар, таклифлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

19. Экспертиза хулосалари ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган талабларга риоя қилинмаган ҳолда тақдим этилганда, Марказ бундай экспертиза хулосасини қабул қилмасликка ҳақли.

20. Шартнома тузилган кундан эътиборан экспертлар гуруҳи ва тақризчи томонидан ўн беш иш куни мобайнида умумлаштирилган экспертиза хулосаси ва тақриз тақдим қилинмаган ҳолларда, Марказ бошқа экспертлар гуруҳини ва (ёки) тақризнини жалб қилади ва олдинги шартномаларни бир томонлама бекор қилади.

21. Экспертиза хулосаси ва бериладиган тақриزلарда уларнинг тайёрланган санаси кўрсатилади.

22. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган талабларга мос келмаган ҳолларда, экспертиза хулосаси ёки тақриз салбий бўлади. Экспертлар гуруҳининг ёки тақризнининг салбий хулосалари етарли даражада асослантилган ҳолда тақдим этилиши шарт.

23. Экспертлар гуруҳи ва тақризнининг хулосалари икки нусхада имзоланиб, Марказга топширилади. Агар экспертлар гуруҳи хулосаларида келишмовчиликлар юзага келса, кўпчиликнинг овози билан қарор қабул қилинади.

24. Дастлабки экспертиза хулосалари олингандан сўнг уч иш куни ичида Марказ томонидан тегишли нашриётларга (муаллифлар, тузувчиларга) экспертизадан ўтказилаётган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар қайта ишлаш учун тақдим этилади ва унинг ижроси назоратга олинади. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни қайта ишлаш учун бир ҳафта муддат берилади, янгидан яратилган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар экспертизаси бундан мустасно.

25. Дастлабки экспертиза хулосалари асосида қайта ишланган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар чоп этишга рухсат берилишидан олдин якуний экспертизадан ўтказилади.

26. Ҳар бир дарслик ва ўқув-методик мажмуанинг якуний экспертизаси учун етти иш куни ажратилади.

27. Якуний экспертиза натижалари ва тақриزلар Марказ ҳузуридаги Илмий-методик кенгашда муҳокама қилинади.

28. Илмий-методик кенгаш Марказ томонидан тақдим этилган экспертиза хулосалари, тақризлар ҳамда уларни асословчи ҳужжатларни бир ҳафта муддатда кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Илмий-методик кенгашнинг қарорига мувофиқ:

дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар ижобий экспертиза хулосаси ва тақризга асосан чоп этиш учун тавсия этилади. Бунда дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар чоп этилгандан сўнг аниқланган камчилик ва нуқсонлар учун тўлиқ жавобгарлик экспертлар гуруҳи зиммасида бўлади;

дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар талаб даражасида экспертизадан ўтказилмаган тақдирда, сабаблари кўрсатилган ҳолда қайта экспертизадан ўтказиш учун қайтарилади, бунда қайта экспертиза учун ҳақ тўланмайди.

Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар талаб даражасида экспертизадан ўтказилишига Марказ масъул ҳисобланади.

Экспертиза жараёнини ўтказиш ва экспертиза хулосалари билан боғлиқ шикоятлар Марказ томонидан кўриб чиқилади ва тегишли чоралар кўрилади.

29. Экспертиза натижалари бўйича Илмий-методик кенгашнинг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

30. Экспертиза хулосалари ва тақризлар Марказда беш йил давомида сақланади.

31. Илмий-методик кенгаш аъзоларининг экспертлар гуруҳи таркибига киритилиши таъқиқланади.

32. Дарслик, ўқув-методик мажмуа учун битта тақриз берилади ва бир марта ҳақ тўланади.

#### **4-боб. Экспертлар гуруҳи ва тақризчиларнинг хизматлари учун ҳақ тўлаш**

33. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказиш ва тақриз бериш ҳамда экспертлар ва тақризчиларга ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) бюджет ва айланма маблағлари ҳисобидан Марказ учун очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварақлари орқали молиялаштирилади. Бунда:

умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-синфи учун, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларга таълим берувчи давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг 1-11-синфлари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар, шунингдек, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар ижара асосида бирламчи таъминланадиган дарсликлар ва машқ дафтарлари – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан;

умумий ўрта таълим муассасаларининг ижара асосида таъминланадиган 2-11-синф дарсликлари ва машқ дафтарлари – Жамғарманинг айланма маблағлари ҳисобидан қопланади.

34. Келгуси молия йили учун экспертлар ва тақризчилар хизматлари бўйича харажатларнинг прогноз кўрсаткичлари Жамғарма даромадлари ва харажатларининг параметр кўрсаткичлари лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бунда Марказ прогноз кўрсаткичларини Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг таълим тили, номи, шартли босма тобоғи ва синфи кесимида Жамғармага тақдим этади.

35. Марказ тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар доирасида харажатлар сметасини тасдиқлайди ва Жамғарма ижро этувчи дирекцияси томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш.

36. Экспертлар ва тақризчилар хизматлари учун тўловлар харажатлар сметаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги орқали амалга оширилади. Бунда экспертлар ва тақризчилар хизматлари бўйича харажатлар Жамғарма томонидан Марказнинг асосланган буюртмасига асосан молиялаштирилади.

37. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказиш ва тақриз бериш учун жалб этилган мутахассисларга улар билан Марказ ўртасида икки томонлама тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ҳақ тўланади.

38. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказиш ва тақриз бериш учун жалб этилган мутахассисларга қуйидаги миқдорларда ҳақ тўланади:

экспертлар гуруҳига экспертиза қилинадиган ҳар бир дарслик ва ўқув-методик мажмуанинг бир шартли босма тобоғига базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида;

ҳар бир дарслик ва ўқув-методик мажмуа бўйича асосланган тақриз учун тақризчига базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида.

Бунда тўланиши лозим бўлган ҳақ экспертлар гуруҳининг ҳар бир аъзосига тенг улушларда тақсимланади.

Дастлабки ва якуний экспертиза учун алоҳида ҳақ тўланади.

39. Марказ томонидан харажатлар сметасида назарда тутилган маблағларни бошқа мақсадларга сарфлаш тақиқланади.

### **5-боб. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳамда назорат қилиш**

40. Марказ бухгалтерлик ҳисобини юритади ва махсус очилган шахсий ғазна ҳисобварақлари бўйича экспертизадан ўтказиш ва тақриз беришга жалб қилинган мутахассислар учун ажратилган маблағларни тўлайди, солиқ тўловларини амалга оширади ҳамда тегишли ҳисоботлар тузади.

41. Марказ томонидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказиш ва тақриз бериш харажатлари бўйича ҳисобот ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойининг йигирманчи санасига қадар Жамғарма ижро этувчи дирекциясига тақдим этилади.



42. Жамғарманинг айланма маблағларидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказиш ва тақриз бериш харажатлари бўйича тўғри ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан жавобгарлик Марказга юкланади.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

43. Экспертизадан ўтказиш ва тақриз беришга жалб қилинган мутахассислар учун хизмат сафари билан боғлиқ барча тўловлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда асосий иш жойидан тўланади.

44. Экспертлар гуруҳи ва тақризчиларга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағларнинг асосли ва мақсадли сарфланиши Халқ таълими вазирлиги томонидан назорат қилинади.

45. Ушбу Низом билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

46. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобган бўлади.



Умумий ўрта таълим муассасаларининг умумтаълим фанлари бўйича дарсликлари ва ўқув-методик мажмуаларини экспертизадан ўтказиш, уларга тақриз бериш ҳамда экспертлар ва тақризчиларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга илова

**Умумий ўрта таълим мактаблари учун яратиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказиш (тақриз бериш) ва экспертларга (тақризчиларга) ҳақ тўлаш тартиби СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Республика таълим маркази - Ишчи орган	1. Экспертизадан ўтказиладиган (тақриз бериладиган) дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертлар гуруҳига (тақризчиларга) расмий хат билан топшириш ва улар билан шартнома тузиш.	Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашрга тайёрлаш ишлари бошланишидан 1 ой олдин
2-босқич	Экспертлар гуруҳи (тақризчилар)	1. Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни дастлабки экспертизадан ўтказиш. 2. Якуний экспертиза	1. Шартнома имзолангандан сўнг 15 иш кунда. 2. Якуний экспертиза хулосалари тақдим этиладиган санада.
3-босқич	Халқ таълими вазирлиги	Экспертизадан ўтказиладиган (тақриз бериладиган) дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни <a href="http://www.eduportal.uz">www.eduportal.uz</a> ахборот таълим порталига жойлаштириш ва кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш.	Дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашрга тайёрлаш ишлари бошланишидан 1 ой олдин
4-босқич	Республика таълим марказ	Дастлабки экспертиза хулосаларини наприётларга (муаллифлар, тузувчиларга) қайта ишлаш учун тақдим этиш.	Дастлабки экспертиза хулосалари олингандан кейин 3 кун ичида
5-босқич	Республика таълим маркази ва тегишли наприётлар (муаллифлар, тузувчилар)	Дастлабки экспертиза хулосалари асосида дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни қайта ишлаш.	Хулосалар олингандан кейин 1 ҳафта ичида
6-босқич	Республика таълим маркази - Экспертлар гуруҳи	Қайта ишланган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни якуний экспертизадан ўтказиш.	7 кун ичида
7-босқич	Республика таълим маркази - Ишчи орган	Якуний экспертиза натижалари ва тақризларни Марказ ҳузуридаги Илмий-методик кенгашда муҳокама қилиш ва кенгаш қарори билан Мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этиш.	Якуний экспертиза натижалари ва тақризлар олингандан кейин 1 ҳафта муддатда
8-босқич	Республика таълим маркази ҳузуридаги Илмий методик кенгаш	Экспертиза натижалари (тақризлар) ҳамда уларни асословчи ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш.	1 ҳафта муддатда
9-босқич	Республика таълим маркази	Экспертлар гуруҳига (тақризчиларга) ҳақ тўлаш	Шартномада белгиланган муддатларда